

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕК
ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҚАРОРИ**

**Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини қайта ишлаш
учун фойдаланиладиган “Тиллар таснифлагичи”ни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли статистикаси бўйича маълумотларни йиғиш, ҳисоблаш, қайта ишлаш ва статистик маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти **қарор қилади:**

1. Аҳоли статистикаси бўйича маълумотларни қайта ишлаш жараёнларида тил номларини кодлаштириш учун мўлжалланган “Тиллар таснифлагичи” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.


Давлат статистика қўмитаси **раиси**



Б. Бегалов

Тошкент ш.,
2021 йил “11” феврал
3-68 - сон

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси **Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти**
директори



Н. Махмудов

Тошкент ш.,
2021 йил “11” феврал
1 - сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2021 йил “11” феврал даги
“388”-сон қарорига,

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институтининг
2021 йил “11” феврал даги
“1”-сон қарорига
ИЛОВА

Тиллар таснифлагичи

1. Қўлланиш соҳаси

Ушбу таснифлагич аҳоли статистикаси бўйича маълумотларни йиғиш, ҳисоблаш, қайта ишлаш ва статистик маълумотлар базасини шакллантириш жараёнларида Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ва вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаролари тиллари номларини кодлаштириш учун мўлжалланган.

Таснифлагич аҳоли статистикаси бўйича маълумотларни йиғиш, ҳисоблаш ва қайта ишлашда тил номларини таснифлаш ва кодлаштириш тартибини ўрнатиш имкониятини таъминлайди.

Ушбу таснифлагич Давлат статистика қўмитаси фаолияти доирасида фойдаланилади.

2. Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ва вақтинча бўлиб турган чет эл фуқароларининг тиллари таснифлагичи қуйидаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган:

- ISO 639-1:2002 1-қисм, ISO 639-2:1998 2-қисм “Тил номларини тақдим этиш учун кодлар” халқаро стандарти;
- ГОСТ 7.75-97 “Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Тиллар номлари кодлари” давлатлараро стандарти;

- 2019 йил 10 сентябрдаги 152-сонли Европа Иқтисодий Комиссияси қарори билан тасдиқланган “Тиллар таснифлагичи тўғрисидаги” давлатлараро стандарти.

3. Таъриф

Тил – кишилар ўртасида, жамиятда ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси бўлиб, фикр ифодалаш, алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган товуш, сўз ва грамматик воситалар тизими.

4. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ва вақтинча бўлиб турган чет эл фуқароларининг тиллари таснифлагичи аҳоли статистикаси бўйича маълумотларини йиғиш, ҳисоблаш, қайта ишлаш ва статистик маълумотлар базасини шакллантиришда тил номларини кодлаштириш учун мўлжалланган кодлардан ташкил топган.

Таснифлагич объекти:

- 187 тиллар рўйхати;
- Бошқа тиллар.

5. Таснифлагич таркиби

Объект коди рақамли, код узунлиги 4 белгидан иборат:

T/P	KOD	Ўзбек тилида	Рус тилида
	XXX		

T/P – тилларнинг тартиб рақами;

KOD – тил номларининг халқаро коди;

Ўзбек тилида – тилларнинг давлат тилидаги номи;

Рус тилида – тилларнинг рус тилидаги номи.